

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди**

№ \_\_\_\_\_

201\_\_ йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирининг

201\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_- сонли буйруғи билан  
тасдиқланган

**“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”**

йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта  
тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

**Тошкент – 2015**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ЎЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА**  
**УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 201\_\_йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ - сонли баённомаси билан маъқулланган.*

Тузувчилар: “Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари” модули: с.ф.д., проф.И.Эргашев, ю.ф.н., доц. В.Топилдиев.  
“Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” модули : п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирсолиева, п.ф.н. доц. М.Усманбаева, А.Исянова.  
“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” модули: ф-м.ф.н., доц. Х.Холмедов, ф-м.ф.н, доц. Д.Иргашева, кат. ўқит. В. Ҳамидов.  
“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, кат. ўқит. У.Гиясова.  
“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули: с.ф.д., проф. С.Жўраев, т.ф.д.,проф.С.Абдурахимов, пс.ф.н. Х.М.Алимов.  
Махсус фанлар бўйича: ф.ф.н., доц. С.Валиева ф.ф.н., М.Собирова

Такризчилар: п.ф.д. проф. М.Қуронов. – Маънавият ва маърифат маркази директори  
ф.ф.д.,проф. И.Каримов. – ТДПУ “Фалсафа” кафедраси профессори

Ўқув дастури Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (2015 йил 18 июндаги 9-сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни назарда тутди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

### **I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари.
- 2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.
- 2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.

## **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

- 3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.
- 3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

## **IV. Амалий хорижий тил**

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

- 5.1. Тизимли таҳлил асослари.
- 5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

## **VI. Махсус фанлар**

1. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари
2. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишда замонавий ёндашувлар
3. Педагогик квалиметрия

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини шакллантириш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- “Миллий ғоя”, “Маънавият асослари” фанларининг предмети, тадқиқот объекти, қонуниятлари, таянч тушунчаларини;
- “Миллий ғоя ва мафкура” XX аср охирида шаклланган илм соҳаси эканлигини;
- миллий ғоя жамият маънавий ҳаётининг таркиби эканлигини;
- мазкур фан жамиятни фалсафани англаш асосида шаклланганлигини;
- миллий ғоя жамият ҳаёти ва тараққиётининг муҳим омили эканлигини, унда халқ, миллатнинг орзу-интилишлари, мақсад-муддаоларини акс этишини;
- миллий ғоянинг ўзига хос жиҳатлари, шаклланиш ва тараққиёт имкониятиларини;
- ижтимоий ҳаёт, тарихий давр муаммолари миллий ғоянинг шаклланишига олиб келиши;
- миллий ғоя ва мафкуранинг шарқона илдизлари ва ғарб талқинини;
- миллий ғоя қарашларнинг номоён бўлиш шаклларини;
- ҳозирги ахборотлашган жамиятда миллий ғоянинг ўзига хос ўрни;
- миллий ғоя ва маънавиятнинг узвий бирлиги ва алоқадорлигини;
- миллий ғоянинг шаклланишида маънавиятнинг тугган ўрнини;
- жамиятда кечаётган ғоявий жараёнларнинг ўзига хос жиҳатларини;

– педагогик квалиметрия тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, методологияси ва тамойилларини;

– педагогик квалиметрия мезонлари, методлари ва уларнинг таълим натижаларини баҳолашдаги аҳамиятини *билиши* керак.

**Тингловчи:**

– миллий ғоя доирасида олган билимларини жамиятга татбиқ эта олиш;

– ғоявийлик, ғоясизлик ва унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни, мафкуравий муносабатлар ғоявий бўшлиқ, мафкуравий жараёнларни таҳлил этиш;

– миллий ғоя ва маънавият асослари бўйича ўқув ахборотини қайта ишлаш (конструкциялаш), муаммоли вазият, Кейс-стади топшириқларини тузиш;

– миллий ғоя ва маънавият асосларининг умумий қонуниятлари, тамойиллари, умумий ва хусусий тушунчаларини шакллантириш, уларни мазмунан конструкциялаш;

– квалиметрик жараёни ташкил этиш ва ўтказиш;

– таълим-тарбия жараёнида кутилаётган натижаларни башорат қилиш, идентив ўқув мақсадларини шакллантириш;

– квалиметрик назорат технологиясидан фойдаланиш *қўникмаларига эга бўлиши лозим.*

**Тингловчи:**

– педагогик жараёни лойиҳалаштириш ва ўқув материалларини тизимлаштириш;

– миллий ғоя ва маънавият асосларига оид фанларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил таълими ва ижодий изланишларини ташкил эта олиш;

– амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;

– курс иши, битирув малакавий ишлари бажарилишининг ташкилий ва илмий-методик таъминотини такомиллаштириш;

– миллий ғоя ва маънавият асосларига оид фанларни ўқитиш жараёнида талабаларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, уларга раҳбарлик қилиш;

– миллий ғоя ва маънавият асосларига оид фанларни ўқитишнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш;

– квалиметрик назорат технологиясидан фойдаланиш;

– талабалар билимини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш технологиялари амалга ошириш каби *малакаларига эга бўлиши лозим.*

**Тингловчи:**

– миллий ғоя, маънавият асосларининг назариялари, гипотезалари, қонуниятлари ва қонунларини амалиётга қўллаш;

– таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган ўқитиш шакллари: маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини самарали ташкил этиш;

– ўқув курслари мазмунига мос равишда инсонпарварлаштирилган ва демократизациялашган педагогик тизимни лойиҳалаш;

– миллий ғоя, маънавият асосларига оид фан ўқув дастури, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш ҳамда педагогик фаолиятда қўллай олиш;

– квалиметрик жараённи ташкил этиш ва ўтказиш;

– талабалар билимини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш ҳамда педагогик фаолиятда қўллай олиш *компетенцияларига эга бўлиши лозим.*

### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

**“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни**

#### **I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

##### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари.**

Инсон онг ва тафаккурининг янгилашиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истикболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир” ва бошқа асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил



этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

### **2.1. Инновацион таълим технологиялари.**

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари. Очиқ маъруза, амалий машғулотларни лойиҳалаштириш, ташкил этиш.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, табақалаштирилган ўқитиш ҳамда интерфаол таълим методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш. Электрон ўқув модуллари. Силлабус, кейслар банкни яратишга қўйиладиган дидактик талаблар.

### **2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.**

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, инфорацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шароитида педагог кадрларнинг креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

### **2.3. Замоनावий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.**

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар. Замоनावий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ. Замоनावий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти. Педагогик фасилитация-таълимда натижавийликни таъминлашдаги муҳим омил сифатида. Талабалар билимини баҳолашнинг ассесмент технологиялари.

## **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

### **3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.**

Мультимедианинг компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Сақловчи технологиялар. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плейерлари. Мультимедианинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Самплинг методи. Файлларни сақлаш усули. Аудио ва видеони таҳрирлаш. Мультимедиали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар).

Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимедиали маърузалар категориялари, Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар таҳлили. LMS тизимларининг асосий функциялари.

Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралик ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Оммавий онлайн очик курслар (Coursera, edX, Khan akademiyasi, MIT Open Course Ware).

### **3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.**

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Ziyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан

ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот муҳитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим муҳитида педагогик жараёни лойиҳалаштириш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар ҳимоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида ҳимоялаш. Ҳимоялаш воситалари.

#### **IV. Амалий хорижий тил**

##### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг мазмуни. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ҳамда тилга оид билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш усуллари.

Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари: коммуникатив, интерактив мулоқот, вазиятли-иммитацион ўйинлар, дебатлар, аудио-визуал усуллар ва Интернет ресурслари.

Тилни муваффақиятли ўзлаштириш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ.

Хорижий тилни ўрганишда нутқ фаолияти турлари (ўқиш, гапириш, тинглаб тушуниш, ёзув) бўйича компетенцияларни ривожлантириш усуллари.

Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

### **5.1. Тизимли таҳлил асослари.**

Тизимли таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар. Тизимнинг хусусияти ва тузилмаси. Тизимли таҳлил методологияси. Тизимли таҳлилнинг йўналишлари. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли услуб ва тизимли ёндашув. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашуви. Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Талабалар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли таҳлили.

### **5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.**

Комплекс қарорлар чиқаришда тизимли таҳлил хусусиятлари. Қарорлар қабул қилишнинг асосий қоидалари ва таснифи. Қарор қабул қилиш даражалари. Қарор қабул қилиш босқичлари. Қарор қабул қилиш психологик жараён сифатида. Ўқув жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари. Турли омиллар асосида қарор қабул қилишнинг методологик жиҳатлари. Қарор қабул қилишда моделлаштириш усуллари. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарорлар қабул қилиш тажрибаси. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг ахборот таъминоти.

## **VI. Махсус фанлар**

### **6.1. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари**

“Маънавият”, “Ғоя”, “Миллий ғоя” тушунчаларининг фалсафий таҳлили. Маънавият ва миллий ғоянинг узвий бирлиги ва ўзаро алоқадорлиги, миллий ғоянинг маънавият негизида шаклланишнинг таҳлили маънавиятнинг тарихий тараққиёт босқичлари ва шу асосда жамият, миллат манфаатларини акс эттирувчи қарашлар-миллий ғоянинг шаклланиши, унинг тарихий ва фалсафий илдизлари. Жамиятлар тарихи миллий ғоявий қарашлар тарихи эканлиги. Миллий ғоянинг ўзига хос жиҳатлари, шаклланиш ва тараққиёт имкониятилари.

Миллий ғоя, маънавиятнинг тарихий такомил босқичлари. Тарихий заруриятнинг миллий ғояда акс этиши. Миллий ғоя ва маънавият жамият тараққиётининг муҳим омили эканлиги.

Миллий ғоя ва маънавиятнинг ҳозирги замон қонуниятлари миллий ҳоя ва мафкура, миллий ғоянинг мафкуравий йўллар ва воситалар асосида кишилар онгига сингдиришнинг тарихий тажрибалари.

Миллий ғоя ва ижтимоий ҳаёт миллий ғоя ва мафкуравий муносабатлар. Миллий ғоя ва сиёсат ҳозирги замон жамият маънавият ва

миллий ғоянинг ўзига хос намоён бўлиш жиҳатлари. Миллий ғоя ва маънавий тарбия миллий ғоянинг ёшлар тарбиясидаги ўрни.

Миллий ғоя ва маънавият асослари фанларининг ютуқлари ва инновациялари. Миллий ғоя ва маънавият асослари фанлари инновацияларидан таълим жараёнида фойдаланиш.

## **6.2. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишда замонавий ёндашувлар**

Таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммолари. Замонавий дарсга қўйиладиган талаблар. Миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишда педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикалар ўрни. дидактик ўйинли технологияларнинг миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишдаги ўрни. Миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш. Миллий ғоя ва маънавият асосларини ўқитишда ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалар.

Ўқув машғулотларида инновацион технологиялардан фойдаланиш. Педагогнинг маҳорати, ўқитувчи ижодкорлиги ва новаторлиги. Миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари ҳамда ривожлантириш истиқболлари. Миллий ғоя ва маънавият асосларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш (конструкциялаш), муаммоли савол, Кейс-стади топшириқлари. Ўқитиш жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги. Талабаларда ижтимоий фаоллик, онглилик. Талабалар мустақил таълимини ташкил этиш. Курс иши, битирув малака иши, магистрлик диссертациясининг узвийлигини таъминлаш. Муаммоли топшириқлар ечиш методикаси. Талабаларнинг билимларини ҳолисона баҳолаш механизмлари, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув топшириқлари ва тестлар мажмуасини ишлаб чиқиш. Миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш. Миллий ғоя ва маънавият асослари фанларидан дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш технологиялари.

## **6.3. Педагогик квалиметрия.**

Квалиметрия, педагогик квалиметрия тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, методологияси ва тамойиллари. Педагогик квалиметрия мезонлари, методлари ва уларни таълим натижаларини баҳолашдаги аҳамияти. Талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш, таълим

жараёни натижаларини адекват баҳолаш ва унинг дастурий воситалари, дидактик тестлар, анкеталар ўтказиш ва уларнинг натижаларини миқдор ва сифат таҳлилини амалга ошириш методикаси.

## **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиҳа иши) доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Силлабус;

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

#### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модуларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## Адабиётлар

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
5. И.А.Каримов Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 364 б.
6. И.А.Каримов Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 382 б.
7. И.А.Каримов Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 366 б.
8. И.А.Каримов Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 349 б.
9. И.А.Каримов Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002. – 429 б.
10. И.А.Каримов Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифатли дунё билан ҳамкорлик йўлидир. 11-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – 320 б.
11. И.А.Каримов Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. 12-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2004. – 398 б.
12. И.А.Каримов Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 446 б.
13. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: “Ўзбекистон” 2000
14. И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон 1994
15. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. – Т.: “Ўзбекистон” 1998
16. И.А.Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: “Ўзбекистон” 1998
17. И.А.Каримов Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд – Т.: “Ўзбекистон”, 2006. – 280 б.
18. И.А.Каримов Жамиятни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. - 320 б.



19. И.А.Каримов Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 368 б.

20. И.А.Каримов Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 278 б.

21. И.А.Каримов Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. 18-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 279 б.

22. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 56 б.

23. И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012

24. И.А.Каримов Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. – 64 б.

## **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

## **III. Махсус адабиётлар**

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.

2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ,2010. 662с.
4. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
5. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услугий мажмуа. Basic User/Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
7. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
8. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
9. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие.М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана.2002.-336с.
10. Симонович СВ., Евсеев Г.А., Мураховский В.И. WINDOWS: лаборатория мастера: Практическое руководство по эффективным приемам работы с компьютером - М.: АСТ-ПРЕСС: Информком-Пресс, 2000. - 656 с.
11. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса»,2000.–17с.
12. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
13. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
14. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
15. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
16. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтаўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иктисод”, 2008. – 208 б.
17. Ж.Туленов. Миллий мафкура мақсад ва йўналишлари, ҳаётга татбиқ этиш йўллари. – Т.: “Ўзбекистон” 2000
18. Ҳ.Бобоев, З.Ғофуров. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий – маърифий таълимотлар тараққиёти. – Т.: “Янги аср авлоди” 2001
19. Саъдулла Отамуродов, Сарвар Отамуродов. Ўзбекистонда маънавий руҳий тикланиш. – Т.: “Янги аср авлоди” 2003
20. И.Каримов. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. – Т.: “Фан” 2007 II нашри
21. Қ.Назаров. Ғоялар фалсафаси. – Т.: “Академия” 2011 (Таҷрибавий қўлланма)

22. Р.Каримов, С.Валиева. “Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанининг ўқитилишига доир мулоҳазалар. – Т.: 2014

23. Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. – Т.: “Академия”, 2008. – 232 б.

24. Шихова О. Ф., Шихов Ю. А. Квалиметрический подход в образовании. //Ж. Образование и наука. 2013. № 4 (103) – С . 40-57.

25. Жукова Г.С., Комарова Е.В., Никитина Н.И. Квалиметрический подход в системе дополнительного профессионального образования специалистов социальной сферы: монография. – М.: Издательство РГСУ, 2012. – 186 с.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
3. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
4. [Infocom.uz](http://infocom.uz) электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
5. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz).
6. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
7. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
8. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>